III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2020 йилнинг январь-июнь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг умумий ҳажми 5 609,7 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 104,1 фоизни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларда кўрсатилган хизматлар 5 431,3 млрд. сўмни (104,0 фоиз), овчилик соҳасида кўрсатилган хизматлар 0,087 млрд. сўмни (100,0 фоиз), ўрмон хўжалигида 116,5 млрд. сўмни (102,3 фоиз), балиқчилик хўжалигида 38,9 млрд. сўмни (117,5 фоиз) ташкил қилди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)лари ҳажмининг ўсиши асосан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳада кўрсатилган хизматлар ҳажмининг сезиларли даражада ортиши билан боғлиқдир.

Хусусан юқори ўсиш суръатлари Пахтакор (121,5 фоиз), Дўстлик (112,0 фоиз), Мирзачўл (104,8 фоиз) ва Фориш (103,6 фоиз) туманларида кузатилди. Шунингдек, ўз навбатида Жиззах шаҳар (100,0 фоиз) ва Зафаробод (99,4 фоиз) туманида паст ўсиш суръатлари кузатилди.

2020 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 73,9 фоиз).

Деҳқончилик. 2020 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 1 604,3 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 109,9 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 73,9 фоизни ташкил қилди.

Ҳосилни йиғиб олиш. Ҳисобот даврида барча тоифадаги хўжаликларда 528 274,0 тонна (ўтган йилга нисбатан 116,0 фоиз) жами дон, 527 706,0 тонна (115,9 фоиз) бошоқли дон, 486 352,0 тонна (113,6 фоиз) буғдой, 364,0 тонна (109,3 фоиз) маккажўхори, 9 510,0 тонна (103,0 фоиз) картошка ковлаб олинди, 51 654,0 тонна (102,8 фоиз) сабзавотлар, 6 809,0 тонна (237,6 фоиз) озиқбоп полиз, 15 424,0 тонна (101,9 фоиз) мевалар ва резаворлар 604,0 тонна (109,0 фоиз) узум йиғиб олинди.

2020 йилнинг январь-июнь хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		*Шу жумладан:*					
			Фермер хўжаликлари		*Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	тонна	*ўсиш суръати, фоизда*	*тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*	*тонна*	*ўсиш суръ-ати, фоизда*	*тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*
Дон жами	528274,0	116,0	442471,0	101,0	8655,0	99,4	77148,0	899,4
Бошоқли дон	527706,0	115,9	442101,0	100,9	8 458,0	99,3	77147,0	899,4
шундан: буғдой	486352,0	113,6	411608,0	100,0	8250,0	100,8	66494,0	784,1
маккажўхори дон учун	364,0	109,3	167,0	115,2	197,0	104,8	-	-
Картошка	9510,0	103,0	995,0	109,7	8495,0	102,2	20,0	105,3
Сабзавотлар-жами	51654,0	102,8	13368,0	101,2	38068,0	103,0	218,0	220,2
Полиз – жами	6809,0	237,6	818,0	114,2	2130,0	99,1	3861,0	0,0
Мевалар ва резаворлар-жами	15424,0	101,9	3272,0	107,8	12097,0	100,4	55,0	105,8
Токзорлар	604,0	109,0	32,0	168,4	539,0	100,7	33,0	0,0

2020 йилнинг январь-июнь ойида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Бошоқли дон *(минг тонна)*

Буғдой *(минг тонна)*

Маккажўхори дон *(минг тонна)*

Картошка *(минг тонна)*

Сабзавотлар *(минг тонна)*

Полиз *(минг тонна)*

Мевалар ва резаворлар *(минг тонна)*

Узум *(минг тонна)*

Терак кўчатлари сони*(минг дона)*

Терак қаторлари сони*(минг туп)*

Чорвачилик. Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 3 826,9 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан январь-июнда фоизни (2019 йилнинг январь-июнида 101,7 фоизни) ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 70,5 фозни ташкил этди.

2020 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятдаги йирик шоҳли қорамоллар бош сони 879,2 минг бошга (100,7 фоизга), шу жумладан сигирлар 250,6 минг бошга (100,9 фоизга), қўй ва эчкилар 2 179,8 минг бошга (103,2 фоизга), отлар 27,1 минг бошга (106,9 фоизга) паррандалар 3061,2 минг бошга (91,5 фоизга) етди.

2020 йил 1 июль ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Барча тоифадаги хўжаликлар		*Шу жумладан:*					
			Фермер хўжаликлари		*Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	минг бош	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг бош*	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг бош*	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг бош*	*ўсиш суръати, фоизда*
Йирик шоҳли қорамоллар	879,1	100,7	42,4	115,7	822,5	100,0	14,3	105,0
Сигирлар	250,6	100,9	12,7	115,7	234,6	100,1	3,7	109,9
Қўй ва эчкилар	2179,8	103,2	390,1	115,5	1586,5	100,3	202,8	105,7
Отлар	27,1	106,9	5,1	113,7	18,9	100,0	3,0	159,7
Паррандалар	3061,2	91,5	282,9	113,3	2009,2	101,3	769,1	69,2

Умумий бош сонига нисбатан, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шоҳли қорамолларнинг улуши 93,6 фоизни, фермер хўжаликларида 4,8 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда 93,6 ва 4,9 фоизни, қўйлар ва эчкилар 72,8 ва 17,9 фоизни, паррандалар 65,6 ва 9,2 фоизни ташкил қилди.

2020 йил 1 июль ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

Йирик шохли қорамоллар *(минг бош)*

шу жумладан: сигирлар *(минг бош)*



Қўйлар ва эчкилар *(минг бош)*

Паррандалар *(минг бош)*

Отлар *(минг бош)*

2020 йилнинг январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 85 814,0 тонна гўшт (2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 102,0 фоизга кўп), 268 705,0 тонна сут (100,9 фоиз), 128 295,0 минг дона тухум (100,9 фоиз) ва 3 129,0 дона қоракўл тери (120,2 фоиз) ишлаб чиқарилди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		*Шу жумладан:*					
			Фермер хўжаликлари		*Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	тонна	*ўсиш суръати, фоизда*	*тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*	*тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*	*тонна*	*ўсиш суръати , фоизда*
Гўшт, тирик вазнда, тонна	85814,0	102,0	1650,0	102,1	83646,0	102,1	518,0	91,4
Сут, минг тонна	268,7	100,9	6,2	125,5	261,7	100,4	0,8	113,8
Тухум, минг Дона	128295,0	100,9	6490,0	109,1	79765,0	101,3	42040,0	99,1
Қоракўл тери, дона	3129,0	120,2	2711,0	122,3	78,0	116,4	340,0	106,3
Овланган балиқ	2863,9	113,4	541,6	108,1	832,0	102,6	1490,3	122,8

2020 йилнинг январь-июнь ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Гўшт *(тонна)*

Сут *(тонна)*

Тухум (*минг дона*)



Овланган балиқ *(тонна)*